O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-YIL • 15-YANVAR • SHANBA • 7 (27.342) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## Баркамол авлод Орзуси



Муборак саноат касб-ҳунар коллежида 1000 нафардан ошиқ талаба нефть ва газни қайта ишлаш, молия, ҳуқуқшунослик, давлат автомобиль назоратининг маъмурий-ҳуқуқий йўналиши, бухгалтерия ҳисоби, автотранспортларни ишлатиш ва таъмирлаш, автоматика назорат ўлчов асбоблари мутахассисликлари бўйича касб-ҳунар сирларини ўрганмоқдалар.

— Коллежимизда ўқув ишлари янги педагогик технологиялар асосида олиб борилмоқда, — дейди коллеж директори Олим Хайруллаев. — Бу ерда олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарбиявий ишлар ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашга қаратилган. Бунинг учун коллежимизда ўндан ошиқ фан, турли спорт тўгараклари мавжуд бўлиб, уларда барча шарт-шароитлар яратилган. 150 ўринли шинамгина ётоқхона ҳам талабаларимиз ихтиёрида.





**Суратларда:** коллеж талабалари ҳаётидан лавҳалар.

**Абдурасул ПАРДА олган суратлар**

# МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**14 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Б.Мустафоев бошқарди.**

**Мажлисда 2005 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз бериш натижалари кўриб чиқилди. Такрорий овоз бериш даврида сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 58 депутати рўйхатга олинди.**

Таъкидландики, 2004 йил 26 декабрдаги сайлов ва 2005 йил 9 январдаги такрорий овоз бериш натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг барча — 120 депутати сайланди ва рўйхатга олинди.

Сайловларда 489 депутатликка номзод, шу жумладан, сиёсий партиялардан — 435 киши ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан мустақил номзодлар — 54 киши иштирок этди. Сайловларда фуқаролар фаол қатнашди. 2004 йил 26 декабрдаги асосий сайловда 12197159 (85,1 фоиз) сайловчи, жорий йил 9 январида эса 5400000 дан ортиқ киши ёки такрорий овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг қарийб 80 фоизи қатнашди. Сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олди, бу партиядан депутатларнинг 34,2 фоизи сайланди; Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатларнинг 23,3 фоизи сайланди. Шунингдек, Фидокорлар партиясининг 18 аъзоси, «Миллий тикланиш» партиясининг 11 аъзоси, «Адолат» партиясининг 10 аъзоси сайланди.

Сайловлар Қонунчилик палатасидаги ўринлар учун сиёсий партиялар ўртасидаги кескин рақобат кураши муҳитида ўтди. Округларнинг деярли 77 фоизида бир депутатлик мандати учун 4 тадан 6 тагача номзод кураш олиб борди. Жумладан, 55 та сайлов округида бир депутатлик мандати учун тўрттадан, 32 округда бештадан, 5 та округда олтитадан номзод курашди. Бундан ташқари, 5 та сайлов округида бир депутатлик мандати учун иккитадан, 23 та округда учтадан номзод баҳслашди. Партиялар қонунчиликда кўзда тутилган сайловолди ташвиқотини олиб бориш имкониятларидан тўлиқ фойдаланди.

Сайловолди баҳс-мунозаралари, овоз бериш натижалари шундан далолат бермоқдаки, сайловчилар демократик йўналишдаги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг муайян муаммоларини ҳал этишга қаратилган сайловолди дастурларига ҳамда номзодларнинг уларни амалга оширишда фаол иштирок этиш қобилиятига кўпроқ хайриҳоҳ бўлди. Бунда номзодларнинг аввалги кўрсатган хизматлари, эгаллаган лавозимлари эътиборга олинмади. Сайланган депутатлар орасида фақат 18 киши (15 фоиз) илгари Олий Мажлис депутати бўлган.

Олдинги сайловлардан фарқли ўлароқ, бу гал ўз номзодларини ҳимоя қилишда сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар кузатувчилари катта фаоллик кўрсатди. 30 мингдан ортиқ маҳаллий кузатувчининг саъй-ҳаракати сайлов қонунчилигига қатъий риоя этилишини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Сайлов кампанияси жараёни сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган номзодларнинг камида 30 фоизи хотин-қизлар бўлиши шартлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартиб ижобий аҳамият касб этганлигини намоён қилди. Қонунчилик палатасига номзоди қўйилган хотин-қизлар — жами 159 киши — кучли интилувчанлик ва юксак профессионализмни намойиш этди, сиёсий етуклик, ақл-заковатда рақиблардан қолишмади. Натижада Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг қарийб 18 фоизини хотин-қизлар ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга бўлган сайловлардагидан икки ярим баравар кўпдир.

Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан номзодларнинг сайловда иштирок этишига оид қонунда белгиланган ҳуқуқи ўзининг долзарблиги ва мақбуллигини тасдиқлади. Фуқаролар томонидан бевосита кўрсатилган мустақил номзодлар катта фаоллик намоён этиб, сиёсий партиялар номзодлари билан муносиб рақобатлашди, натижада ташаббускор гуруҳлардан кўрсатилган 54 номзоддан 14 киши депутатликка сайланди. Шундай қилиб, Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар орасида улар 11,6 фоизни ташкил этди.

Янги сайланган депутатлар корпусининг таркибида Қонунчилик палатасининг профессионал хусусияти ўз аксини топган. Сайланган депутатлар орасида 18,3 фоизи — юристлар, 21,7 фоизи — иқтисодчилар. Айни пайтда қуйи палатада жамиятнинг деярли барча ижтимоий қатламлари вакиллари бор. Депутатларнинг 10 фоизи саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа соҳаси вакиллари, 7,5 фоизи қишлоқ хўжалиги вакиллари, 12,5 фоизи тадбиркорлар, 20 фоизи таълим, фан, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларидир. Депутатларнинг қарийб 16 фоизи — нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари.

Сайлов кампанияси даврида парламентдаги ўринлар учун кураш олиб борганлар ўртасида ҳам, сайловчилар орасида ҳам миллатлараро хусусиятга эга ҳеч қандай салбий ҳолат кузатилмади, миллатлараро асосда ҳеч бир қарама-қаршилик ёки зиддият чиқмади. Сайланган депутатлар орасида қарийб 91 фоизи ўзбеклар, 9 фоиздан ортиғи қорақалпоқ, қозоқ, тожик, туркман, рус, татар ва украинлардир.

Мажлисда сайлов комиссиялари ва участкалари иши аниқ, профессионал амалга оширилгани таъкидланди. Сайлов қонунчилигининг жиддий бузилиш ҳоллари кузатилмади. Айрим қоидабузарликлар, жумладан оила аъзолари учун ҳам овоз беришга уриниш ва шу каби бошқа англашилмовчиликлар ўз вақтида аниқланди ва олди олинди. Бундай ҳоллар овоз беришнинг бориши ва натижаларига таъсир кўрсатмади.

Мажлисда алоҳида қайд этилдики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар очиқ ва ошкора руҳда ўтди. Сайлов кампанияси жараёнини мамлакатимизнинг 493, хорижнинг 107 оммавий ахборот воситаси ёритиб борди. Сайловда дунёнинг 40 га яқин мамлакатидан 228 хорижий кузатувчи, жумладан МДҲ, ЕХҲТ кузатувчилари миссиялари қатнашди. Миллий қонунчилик, халқаро меъёр ва стандартларга тўла мос ҳолда ўтган сайловлар Ўзбекистонда очиқ ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганидан далолат беради.

Марказий сайлов комиссиясининг 2005 йил 9 январда такрорий овоз бериш натижасида сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарори матбуотда эълон қилинади.

# ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАС

Мамлакатимизда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган оммавий ватанпарварлик тадбирлари давом этмоқда. Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи Республика лицейида «Ватан — саждагоҳ каби муқаддас» мавзуида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригида ҳарбийлар зиммасига юртимиз мустақиллиги, тинчлиги, хавфсизлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлаш, бахтли келажагимизни асрашдек масъулиятли ва шарафли вазифа юклатилгани таъкидланганига алоҳида эътибор қаратдилар.

Бўлажак Ватан ҳимоячилари қалбида она-юртга садоқат, истиқлол ғояларига эҳтиром туйғусини шакллантиришда ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси алоҳида ўрин тутади. Мазкур билим даргоҳида 345 нафар ўқувчи таҳсил оляпти. Уларнинг ҳарбий соҳада чуқур билимли, жисмонан бақувват инсон бўлиб вояга етишлари учун лицейда замонавий спорт мажмуи, кутубхона, компьютер синфи ишлаб турибди. Лицей ўқувчилари мамлакатимизда ўтказиладиган анъанавий «Амир Темур авлодлари» ҳарбий-спорт ўйинлари беллашувларида фахрли ўринни эгаллаб келмоқда. Ўқувчиларнинг бу ерда олаётган билимлари уларнинг ҳарбий олий ўқув юртлари ва академиялари талабаси бўлишида қўл келади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# «МАШҲУРА» САМАРҚАНДДА...

Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар маркази»да пойтахтдаги «Машҳура» фирмаси ўз филиалини очган эди. Мазкур марказнинг илк битирувчиларидан 20 нафари бичиш-тикиш йўналиши бўйича махсус сертификатга эга бўлишди. Тошкентдан келган мутахассис, дизайнер-лойиҳачилар бичиш-тикиш, ширинликлар пишириш каби ўн беш йўналишда юзлаб ёш қизларга ўз билим ва маҳоратларини ўргатишаяпти.

— Фирма ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан биз ёшлар ҳунар ўрганишимиз учун яратиб берилган қулайликлардан бениҳоят миннатдормиз, — дейди Зебо Туропова.

Келгусида филиални битириб чиққан қизлар ўз мутахассислиги бўйича турли жойларда фаолият олиб бориш билан бирга, чекка-чекка қишлоқда қизларнинг иш билан таъминланиши ва ҳунарли бўлишларига ҳисса қўшишади.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ — ИТАЛИЯЛИК КУЗАТУВЧИЛАР НИГОҲИДА

**Рим халқаро маданият эркин гуманитар университети (LUMUCI) профессорлари Жузеппина Лаура Маджи ва Беглар Давид Таварткиладзе 2004 йил декабрида халқаро кузатувчилар сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёни билан танишган эдилар. Яқинда улар ўз фаолиятининг якунлари бўйича баёнот эълон қилишди.**

Италиялик олимларнинг таъкидлашларича, мазкур баёнот шахсий кузатувлар, йиғилган материаллар ва далиллар асосида тузилган. «Сайловларни кузатиш жараёнида биз маҳаллий кузатувчилар билан бир қаторда турли халқаро ташкилотлар ва ассоциациялар вакиллари билан ҳам фаол фикр алмашиб турдик. Сайлов кампанияси ҳақида тўла ва холис тасаввурга эга бўлиш мақсадида овоз беришгача бўлган, овоз бериш давомида ва ундан сўнгги жараёнларда турли ёшдаги ва турли ижтимоий гуруҳларга тегишли сайловчилар билан мулоқотда бўлдик».

Сайловлар куни италиялик экспертлар Бухоро вилоятидаги саккизта сайлов участкаларига ташриф буюришди. Улар орасида ҳарбий қисм ҳудудида ташкил қилинган сайлов участкаси ҳам бор эди ва кузатувчиларнинг таъкидлашича, бу ерга киришда улар ҳеч қандай муаммо ҳис қилишмаган. Экспертлар участкаларни очилиш ва ёпилишида, сайлов комиссияси томонидан овозларни санаб чиқиш ва овоз беришнинг якунларини чиқаришда қатнашиш имкониятига эга бўлдилар.

Италиялик кузатувчилар сайловчиларнинг юқори фаоллигига алоҳида эътибор қаратиб, «Сайловларда электоратнинг 85 фоиздан кўпроғи иштирок этгани аҳолининг сайлов жараёнига ишончидан далолат беради», деб фикр юритишган. Улар томонидан аниқланган баъзи бир жузъий камчиликлар тезда бартараф этилган ва кузатувчиларнинг фикрича, бундай ҳол фуқароларнинг эркин хоҳиш-ирода билдиришига жиддий таъсир ўтказмаган.

Д.Маджи ва Б.Таварткиладзе ўз баёнотида қуйидагиларни қайд этишни лозим топганлар: «парламент сайловларида халқаро кузатувчилар мақомида иштирок этиш тўғрисидаги қарор кутилаётган сайловлар ҳақида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида уюштирилган салбий кампания ҳақиқатга тўғри келиш-келмаслигига ўша жойнинг ўзида ишонч ҳосил қилиш истагидан келиб чиқиб қабул қилинган эди. Биз баъзи бир мутасадди шахслар ва тизимларнинг ўта тенденциоз руҳдаги ва салбий баҳоларини... ҳали сайловлар ўтмасдан турибоқ улар ҳақида салбий ижтимоий фикр шакллантиришга бўлган уриниш, деб баҳолаймиз».

Италиялик кузатувчиларнинг бош хулосаси қуйидагича: «Ўзбекистон икки палатали парламентига сайловларнинг биринчи раунди амалдаги сайлов қонунчилигига мос тарзда ўтказилди, биз уларни эркин, адолатли, қонуний ва транспарент, деб тан оламиз».

**«Жаҳон» АА**

# КОНЧИЛАР ҚУВОНЧИ...

Навоий тоғ-металлургия комбинатига қарашли «Металлург» сиҳатгоҳи қошида яна бир замонавий турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Натижада ўнлаб тоғ-кон саноати тизими пешқадамлари доимий яшаш учун уй-жойга эга бўлдилар. Саккиз хонадондан иборат бир қаватли бу бинонинг аҳамиятли томони шундаки, уларда комбинат маблағи ҳисобига харид қилинган музлатгич, рангли телевизор, кондиционер ҳамда стол-стуллар мавжуд. Демак, янги уйларга кўчиб ўтган кончилар бу жиҳозларни сотиб олиш учун ортиқча сарф-харажат қилишмайди.

Сиҳат-саломатлик йилида шундай замонавий уй-жой биносидан яна 2 таси қуриб битказилади...

**Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

# ЯНГИ СТАНЦИЯ ИШГА ТУШДИ

**ФАРҒОНА (ЎзА мухбири М.Сулаймонов).** Фарғона шаҳрида замонавий халқаро алоқа станцияси иш бошлади. Япониянинг халқаро ҳамкорлик банки — JBIC кредити ҳисобидан 256 чақирим масофага шиша толали кабель ётқизилиб, катта қувватга эга узатгич қурилмалари ўрнатилди.

Янги станция дунёнинг исталган нуқтаси, шунингдек, Интернет тармоғи билан бемалол боғланиш имконини беради.

2005 йил — Сиҳат-Саломатлик йили

# СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

**ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Б.Хидирова).** «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг 2004 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, «Меҳр ва мурувват йили» дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори барча ишларда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Аҳолини тиббий-ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш, она ва бола саломатлигини яхшилаш мақсадида мамлакатимиздаги қарийб икки мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада истиқомат қилаётган оила аъзолари тиббий кўрикдан ўтказилди. Эҳтиёжмандларга жамғарма томонидан зарур дори-дармон, санитария-гигиена воситалари, кийим-кечак ва бошқа мурувват ёрдами кўрсатилди.

Болалар спортини ривожлантириш, юртимиз йигит-қизларини соғлом турмуш талаблари руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган синхрон сузиш бўйича «Сув париси» халқаро турнир, «Ўзбекистон» кубоги, стол тенниси бўйича «Соғлом авлод учун» кубогига даъвогарлар ўртасидаги республика мусобақалари айниқса қизиқарли ўтди.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда Навоий-Урганч-Нукус йўналиши бўйлаб 60 миллион сўмлик дори-дармон, санитария-гигиена воситалари, тиббий жиҳозлар, кийим-кечак ва бошқа зарур анжомлар ортилган «Мурувват поезди» ташкил этилди.

Анжуманда 2005 йил мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан Сиҳат-саломатлик йили деб эълон қилиниши муносабати билан бу борадаги хайрли ишларни янада кенгайтиришга қаратилган ишлар режаси белгилаб олинди.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

**ЎзХДП ҳаёти: фракция ва депутатлар гуруҳи**

# ЯНГИЧА ШАРОИТ, ЎЗГАЧА МАСЪУЛИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига яқинда бўлиб ўтган сайловлар мамлакатимиз тарихида муносиб ўрин тутади. Чунки айнан шу сайловлар натижасида бизда икки палатали парламент ташкил топади ва фаолият юрита бошлайди.

Бугунги кунда икки палатали парламент, яъни унинг юқори палатаси — Сенат ҳамда қуйи — Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини бошлаши учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Бунинг учун ҳуқуқий асослар ва моддий-техника базаси яратилган. Олий Мажлис биноси, депутатлар учун яратилган шарт-шароитлар, Мустақиллик майдонида Сенат учун барпо этилган янги ҳашаматли сарой... ҳаммаси ҳавас қилса арзигулик, албатта.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам мамлакатимиздаги мавжуд бошқа сиёсий кучлар ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари қаторида сайлов кампаниясида иштирок этиб, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида нуфузли парламент фракциясини тузиш учун муносиб ўрин олиш ҳамда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларида етакчилик мавқеига эришиш учун ҳаракат қилди. Кутилган натижага эришилса, ЎзХДПнинг дастурий мақсадлари ва уни қўллаб-қувватлаётган сайловчилар манфаатларини рўёбга чиқариш учун зарур қонун ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинишига кучли таъсир кўрсата олиш имконияти таъминланади.

Партия ялпи сайловлар арафасида ўзининг мамлакат сиёсий кучлари орасидаги ўрнини, сиёсий йўналишини аниқлаб олди. ЎзХДП ўзини мамлакатдаги сиёсий кучларнинг меҳнат аҳли — ишчилар, қишлоқ меҳнаткашлари, муҳандис-техник, илмий ва ижодий ходимлар, ўқитувчи ва шифокорлар, хизматчилар, шунингдек, ҳарбийлар, ўқувчи ёшлар, пенсионер ва ногиронлар манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя этувчи сўл қаноти деб эълон қилди.

Энди, икки палатали парламент фаолияти ҳақида сўз юритишдан аввал, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириғи давомида сиёсий партия ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар фракцияси ҳамда блоклари фаолиятига назар ташласак.

Маълумки, мамлакатимиз парламенти — Олий Мажлисда ўтган беш йил мобайнида сиёсий партияларнинг тўртта фракцияси ҳамда давлат вакиллик органларидан ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатларнинг иккита блоки самарали фаолият кўрсатиб келди.

Ушбу фракция ва блоклар мақомлари ҳамда парламентда тутган ўринлари бўйича бир хил шароитга эга бўлдилар. Бу эса уларга парламентда кўрилаётган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга ва зарур бўлса, тегишли фракция ёинки блокнинг тутган умумий нуқтаи назарини ҳимоя қилишлари учун имконият берди.

Бу борада ЎзХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси ўз фаолияти, ўзига хос хусусияти ҳамда эътиборга лойиқ тажрибаси билан ажралиб турди. Ўтган давр мобайнида фракция партиянинг дастурий мақсадлари, сайловолди Сиёсий ҳужжатида кўзда тутилган вазифаларни адо этиш йўлида муайян ишларни амалга оширди.

Фракция аъзоларининг асосий фаолияти парламент сессияларида фаол иштирок этишга, депутатлар муҳокамасига киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга, уларнинг мазмун ва моҳиятини мунтазам равишда сайловчиларга етказишга қаратилди. Фракция томонидан Олий Мажлис сессияларининг кун тартибига киритилган қонун лойиҳалари бўйича мутахассислар иштирокида «давра суҳбатлари» ўтказиш анъанага айланди. Фракция фаолияти мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида ёритилмоқда. ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳузурида ҳуқуқшунос олимлар, иқтисодчилар ва бошқа соҳаларнинг малакали мутахассисларидан ташкил топган Экспертлар гуруҳи ҳам фракциянинг ишига амалий ёрдам кўрсатиб келди.

Мамлакатимиз парламенти икки палатали тизимга ўтиши муносабати билан 2002 йил 12 декабрь ва 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Қонунларда қуйи палатанинг мақомини белгилаш, фаолиятини ташкил этиш масалаларига аниқлик киритди. Шу билан бирга, палата таркибида ташкил топадиган сиёсий партиялар ҳамда фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатларнинг фракция ва депутат гуруҳлари мақоми ҳам равшан белгилаб берилган. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Қонуннинг 23- («Депутатлар бирлашмалари тўғрисида»), 24- («Фракциялар ва депутатлар гуруҳларини тузиш тартиби»), 25- («Фракция ва депутатлар гуруҳининг ваколатлари») ва «26- («Фракция ва депутатлар гуруҳининг фаолиятини тугатиш») моддаларида фракция ва депутатлар гуруҳининг тузилиши, шакли, ваколатларидан тортиб, фаолиятини тугатиш тартибигача барча масалалар аниқ кўрсатиб қўйилган.

Шундай қилиб, Қонуннинг 23-моддасида «Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий, профессионал ва бошқа асосда фракциялар ва депутатлар гуруҳлари шаклида депутатлар бирлашмалари тузиши мумкин», дейилган бўлса, 24-моддасида «Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракция ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга», деб бу масалага янада аниқлик ва ойдинлик киритилади.

Фракция ва депутатлар гуруҳи ваколатлари Қонуннинг 25-моддасида ўз ифодасини топган.

Парламентдаги фракция ва депутат гуруҳларининг фаоллашуви ва унумли иш олиб боришига 2004 йилнинг 30 апрелида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги Қонунни ҳам ўзининг ижобий таъсирини ўтказиши муқаррар. Мазкур Қонуннинг 9-моддаси билан («Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш») «Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг фаолиятини ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа тарзда таъминлаш учун ажратиладиган давлат маблағлари Қонунчилик палатасининг харажатлар сметасида назарда тутилади», деб белгилаб қўйилди. Яъни сиёсий партиялар фракциялари ҳам Қонунчилик палатасининг қўмита ва комиссиялари каби, узлуксиз фаолият кўрсатишга, мамлакатимиздаги юқори малакали ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва бошқа фан арбобларини тегишли қонун ҳужжатларини ишлаб чиқилишига, фақат жамоатчилик асосида эмас, балки маблағ билан таъминлаган ҳолда жалб этишга, кенг жамоага етказилиши керак бўлган фракциянинг тавсия ва нуқтаи-назарларини босма кўринишда тарқатишга қўшимча шарт-шароит яратилади.

Мамлакатимизда бошланган парламент ислоҳоти демократик давлат қуриш йўлида қилинган яна бир муҳим қадамдир. Тез орада фаолиятини бошлайдиган Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги фракция ва депутат гуруҳларининг иши юқорида қайд этилган имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, янгича ташкил этилади. Сайловолди жараёнида ўтказилган «давра суҳбатлари-ю» теледебатларда тўпланган тажрибалардан бундан кейин ҳам унумли фойдаланиш зарур. Маълум бир фракцияларга бирлашган депутатларимиз ўз фаолиятининг устувор йўналишларини сайловолди дастурларида назарда тутилган масалалар ечимига қаратмоқлари лозим. Шунда сайловчилар овоз бериб янглишмаганликларини чин дилдан англайдилар. Улар бундан буён ҳам вакиллари томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши йўлида бор куч-ғайратларини сарфлайдилар.

**Маҳмуд ТОИРОВ,**
**Ўзбекистон ХДП МК аъзоси, Тошкент вилоят партия кенгаши иккинчи котиби.**

## «КЕЙС» УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМ

Навоий машинасозлик заводи тоғ-кон саноати, металлургия тизими учун асбоб-ускуна, бурғулаш жиҳозлари ишлаб чиқаради.

Яқинда завод муҳандис-мутахассислари ўрим техникалари учун энг тақчил эҳтиёт қисмлар тайёрлашни ҳам ўзлаштириб олишди. Нафақат «Нива», балки Америкада ишлаб чиқарилган «Кейс» русумли хориж техникаси учун қайиш ва занжирлар, кўтарма насослар, тиргакли қисмлар ҳам заводнинг ўзида тайёрланаяпти. Яна қувончлиси, бу «Катерпиллер», «Юнкер» сингари Германия машиналари учун ҳам эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилаяпти.

**(Ўз мухбиримиз)**

## «ВАТАН МАРДЛАР ҲИМОЯСИДА»

Тошкентдаги Марказий офицерлар уйида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбири ва миллий ҳунармандчилик намуналари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда Қуролли Кучлар офицерлари, аскарлар, фахрийлар, жамоатчилик вакиллари ва чет эл элчихоналари ходимлари қатнашдилар.

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси ва Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги билан биргаликда ўтказилган ушбу тадбирда Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ҳарбий хизматга чақирилувчиларни тайёрлаш бўйича эълон қилинган кўрик-танловда биринчи ўринни эгаллаган Мирзо Улуғбек тумани мудофаа бўлими ходимларига совғалар ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

— Ватанга муҳаббат мавҳум тушунча эмас, у аввало хонадон остонаси, маҳалла ва ўз миллий қадриятларимиз, миллий санъатимиздан фахрланиш туйғуларидан пайдо бўлади, — дейди «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг раиси Амирқул Каримов. — Тадбирдан кўзланган бош мақсад — аскар йигитларимизда Ватанимиз, гўзал санъатимизга муҳаббат, ифтихор туйғуларини янада кучайтиришдан иборат.

Шуни айтиш керакки, жамғарманинг «Муножот» ва «Мерос» фольклор жамоалари иштирокидаги «Ватан мардлар ҳимоясидадир» деб номланган концерт дастури томошабинларда катта таассурот қолдирди.

**(Ўз мухбиримиз)**

Бухоро туманидаги Лоша ва Кунжиқалъа қишлоқлари аҳолиси ажойиб туҳфа эгаси бўлишди. Олий тоифали ҳаким Ҳусан Холназаров ўз сармояси ҳисобига замонавий «Болажон» шифо клиникасини қуриб фойдаланишга топширди. Икки қаватли бу маскан ноёб тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган

## ҚИШЛОҚДА ШИФО КЛИНИКАСИ

бўлиб, бу ердаги тажрибали шифокорлар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишади.

— Илгари бизнинг еттита қишлоқни бирлаштирувчи ҳудудда айтарли бирор-бир шифо маскани йўқ эди, — дейди Ҳусан Холназаров. — Бу клиника эса ана шу кемтикни тўлдирди. Энг асосийси, Сиҳат-саломатлик йилида бизнинг Юртбошимиз даъватига амалий жавобимиз ҳам бўлди.

Яна бир жиҳати шундаки, клиникада ногиронлар, кам таъминланган оилаларнинг болаларига бепул тиббий хизмат кўрсатилади.

**(Ўз мухбиримиз)**



## ҚУВАНИНГ ЭКСПОРТБОП ҚАНДОЛАТИ

Фарғона вилоятининг Қува туманидаги «Sweets international» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонасида тайёрланаётган қандолат маҳсулотлари экспорти тобора кенгаймоқда. Айниқса, ерёнғоқли ва ўрикли шоколадлар, конфетлар ва печеньеларга талаб катта.

Ўтган йили корхона қайта реконструкция қилиниб, Америка технологияси ўрнатилгач, маҳсулот сифати ва салмоғи янада ортди. Айни пайтда унда мингга яқин йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

— Бугунги харидорнинг талаби ва дидини ҳисобга олмаслик муқаррар инқироз дегани, — дейди корхона директори ўринбосари Орифжон Тошматов. — Шу боис маҳсулот сифати алоҳида эътиборда. Корхонамиз йилига 15 минг тонна қандолат ишлаб чиқариш қувватига эга. Ўзбекистондек жаннатмонанд, ширин-шакар мевага кон мамлакатда қандолат тайёрлаш имкониятлари жуда кенг. Биз ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз турини қирқ олтитага етказдик.

✧✧✧

**Суратларда:** корхона ишчилари (чапдан) С. Сайдуллаева ва Д. Ҳасанова тайёр маҳсулотлар билан; лаборатория мудири F. Ҳамидов маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.



**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**

**Қарор ва Ижро**

# БОШҚАРУВ ТУЗИЛМАСИНИНГ ТАКОМИЛИ

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҲАМ, ИЖТИМОИЙ ҲАЁТНИНГ ҲАМ РИВОЖИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

**Инсоннинг турмуш тарзи фаровонлиги йил сайин яхшиланиб бориши учун ҳар қандай мамлакат халқ хўжалигининг барча тармоқлари тобора ривож ва такомил топмоғи лозимлиги — ижтимоий-иқтисодий зарурат.**

**Масалан, саноат ишлаб чиқариш учун ҳам, истеъмол учун ҳам муҳим ҳисобланган маҳсулот турларидан бири — этил спиртини олинг: уни ишлаб чиқариш мамлакат иқтисодиётига, шу турдаги юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар барқарорлигини таъминлашга, экспорт салоҳиятини кенгайтиришга, сарҳадларимиз оша четдан ноқонуний йўллар билан кириб келаётган ва одамлар саломатлигига путур етказаётган сифатсиз ичимликлар олдини олишга, пировардида, аҳоли ижтимоий фаровонлиги даражасини юксалтиришга қанчалар фойда келтиришни биласизми?**

Худди шу нуқтаи назардан республикамиз Вазирлар Маҳкамаси бундан роппа-роса бир йил аввал (2004 йил, 15 январь) **«Этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»** қарор қабул қилганди.

Унда республикамизда этил спирти ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, экспортга етказиб бериш ҳажмларини кўпайтириш, шунингдек, спирт ҳамда алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сотиш ва муомалага чиқаришда қонунчиликнинг таъминланиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида амалга оширилиши зарур тадбирий чоралар белгиланганди.

Шундан сўнг Президентимиз Ислом Каримовнинг 2003 йил 20 июндаги (Ф-1791-сонли) фармойишига кўра тузилган Маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси билан Иқтисодиёт, Молия вазирликлари, «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик ҳамда «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниялари, шунингдек, этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналар иштирокида **«Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси** ташкил этилди. Компания тасарруфига илгари «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик ва «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниялари таркибида бўлган буғдойдан этил спирти ишлаб чиқарувчи — «Қўқон спирт», «Андижон биокимё», «Янгийўл биокимё», «Тошкентвино», «Зарафшон» сингари 5 та очиқ акциядорлик жамиятлари киритилди.

**Эркин ЎРАЛОВ, компания раисининг ўринбосари:**

— Асосий вазифамиз ва фаолият йўналишимиз — спирт маҳсулотларининг ички ҳамда ташқи бозорлари маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, шу аснода юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларнинг барқарор ишлаб чиқарилишини таъминлаш ва ниҳоят экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган. Бунинг учун табиийки, биз этил спирти тайёрлаш ва ундан фойдаланишнинг ҳар йилги балансларини ишлаб чиқишда фаол қатнашишимиз керак бўлади. Тармоқ корхоналарида спирт саноатини ривожлантириш, жумладан, хорижий сармоялар ҳисобига қувватларни замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга йўналтирилган ягона техника сиёсатини ўтказишга тўғри келади. Маҳсулотни ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотувга қўйилмаслиги устидан катъий назорат таъминланиши талаб этилади.

Шунингдек, спирт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан белгиланган технология шартларига тўла риоя қилиниши, давлат стандартлари талабларига ва халқаро андозаларга жавоб берадиган юқори сифатли этил спирти ишлаб чиқарилиши устидан муттасил назорат ўрнатилиши зарур бўлади. Айни пайтда тармоқ корхоналари учун мухандис-техник ва ишчи кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш фаолиятимизнинг муҳим вазифаларидан бўлиб қолади.

Бу вазифалар ижроси, шубҳасиз, мамлакатимизга четдан хуфиёна йўллар билан кириб келаётган кўзни кўр, жигарни шикастлантирувчи, хотирани суст этувчи, инсон умрининг заволи — сифатсиз спиртли ичимликлар олдини олиш билан бирга, банкдан ташқари накд пул айланмасининг «қора соя»си — яширин иқтисодга барҳам беради. Бунинг учун биз мутахассисларимиз иштирокида махсус гуруҳлар тузиб, савдо тармоқларида, бозорларда ва алоҳида дўконларда алькоголли ичимликларга бўлган талаб ҳамда эҳтиёжларни ўрганаяпмиз ва таҳлилий хулосалар қилаяпмиз. Қолаверса, бу ишга кенг жамоатчиликни, айниқса, маҳаллаларнинг фаолларини ҳам жалб этаяпмиз...

Амалга оширилаётган барча ишларимиздан мақсад: халқимизга ҳар қачонгидан сифатли маҳсулотлар етказиб бериб, аҳоли ва жамият манфаатига, давлатимиз манфаатига кўпроқ фойда келтириш.

**Миркамол ОРИПОВ, Маркетинг ва спирт саноати корхоналарини ривожлантириш истиқболлари бўлими бошлиғи:**

— Очиғини айтганда, республикамизда спирт ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш саъй-ҳаракатларини ҳукуматимиз айни мустақиллик йилларида, аниқроғи, 1994 йилдан бошлаганди.

Қувватларни янада кучайтириб бориш зарурати шундаки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни экспортга қанча кўп жўнатсак, шунча кўп иқтисодий самара беради. Масалан, ўтган йили 2267,9 минг АҚШ долларига тенг ҳажмда маҳсулот экспорт қилинди. Бугунги кунда корхоналаримиз ишлаб чиқараётган озиқ-овқат спирти Тожикистон, Қирғизистон сингари Ҳамдўстлик давлатларига пешма-пеш жўнатилиб турибди.

Шунингдек, хорижга юқори сифатли алькогол маҳсулотлари жўнатишга ҳам киришганмиз. Ўтган йили 953,8 минг АҚШ долларига тенг миқдорда маҳсулотлар экспорт қилишга муваффақ бўлдик. «Қўқонспирт» ОАЖнинг Тожикистонда Савдо уйини, «Тошкентвино комбинати» ОАЖнинг Россиянинг Бийск шаҳрида қўшма корхонасини очдик.

Республикада спирт саноатини ривожлантириш, чет эл бозорлари учун юқори сифатли ҳамда рақобатбардош этил спирти ишлаб чиқаришни кенг ўзлаштириш ва компания таркибидаги корхоналарнинг истиқболли ўсишини таъминлаш юзасидан ўтган йили қатор ибратли ишлар амалга оширилдики, улар алоҳида таҳсинга лойиқ. Корхоналар томонидан маҳсулот сифатини яхшилаш ва нархини пасайтириш бўйича зарур чоралар кўрилди. Жумладан, буғдойдан олинадиган этил спирти миқдорини ошириш мақсадида ишлаб чиқаришда жаҳон стандартлари талаблари даражасида замонавий фермент моддаларидан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган хомашёнинг ягона нормативлари қабул қилиниб, тегишли давлат идоралари билан келишиб олинди. Ассортиментларни ошириш ва у орқали фаолият доирасини диверсификациялашга эришилди. «Андижон биокимё заводи» ОАЖда этил ацетати, «Тошкентвино комбинати» ОАЖда сифатли салқин ичимликлар ишлаб чиқариш жорий этилди. «Қўқонспирт» ОАЖ томонидан янги турдаги халқ истеъмоли маҳсулоти — органик фосфанатлар қўйилмасидан иборат ингибитор — «ИОМС-Экстра», «Янгийўл биокимё» ОАЖда эса кимёвий чўктирилган бўр ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**Миробид МАҲМУДОВ, «Тошкентвино комбинати» ОАЖ раҳбари:**

— Истиқлол ва ислоҳот шарофати билан бошқарув тузилмаси такомиллашгандан сўнг маҳсулотларимизни чет эл мамлакатларига валюта қийматида сотиш нафақат жамоамизга, республикамиз бюджетига ҳам салмоқли фойда келтираяпти. Ўтган йили жамоамиз 1301 минг дал. вино, 842 минг дал. арoқ, 628 минг дал. этил спирти маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Экспорт ҳажми 953 минг АҚШ долларидан ошди.

Шуни ҳам бугун фахр билан айтиш керак, мустақиллик даври — корхонамиз маҳсулотлари учун медаллар даври бўлди: 1996 йилда Санкт-Петербургдаги халқаро кўргазмада кумуш медаллар, 1998 йил Ялтадаги халқаро кўргазмада кумуш ва бронза медаллари, 2000 йилда яна ўша Ялта — «Олтин грифон» халқаро ярмаркасида эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотландик. Мустақилликнинг ўн уч йиллиги арафасида эса яна Ялта халқаро кўргазмаси жамоамизни олтин ҳамда учта кумуш медаль билан тақдирлади. 2004 йилнинг 16-17 декабрь кунлари Швейцариянинг Женева шаҳридаги «For excellence in business practice» Халқаро жамғармаси форумида замонавий технологиялардан фойдаланиб, олий сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга эришганимиз учун Олтин медаль билан тақдирландик. Илгари корхонамиз давлат тасарруфида бўлган пайтида бу ютуқлар қайда эди, дейсиз... Қачонки, жамоа мулкига, ҳиссадорлик жамиятига айланганимиздан сўнг, корхона ҳам, жамоа ҳам, давлат ҳам каттагина фойда кўрмоқда...

●●●

Буларнинг ҳаммаси — мамлакатимиз халқ хўжалигида мустақиллик йилларида ҳаёт ва амалиёт тақозоси билан таркиб топган янги тузилма — **«Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси** бугунги кунда ўзини тўла оқлаётгани ва у иқтисодиётимиз ривожига салмоқли тушум келтираётганидан хуш далолатдир.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

O‘ZBEKISTON OVOZI



# ВАТАНГА ХИЗМАТ — МУҚАДДАС БУРЧ

**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгач, ҳарбий соҳада ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Натижада сон жиҳатдан кичик, уюшган, тезкор, замонавий қурол-яроқ ва техника билан таъминланган армия яратилди. Албатта, мазкур ислоҳотлар ҳарбий соҳадаги қонунчиликка ҳам тааллуқли бўлиб, бу борада ҳам қатор ишлар қилинди. Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни ушбу йўналишдаги энг муҳим янгилик бўлди.**

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари, Республика ҳарбий прокурори, адлия полковниги Шуҳрат УЗОҚОВ билан суҳбат шу масалалар атрофида бўлди.**



**— Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва Қуролли Кучларда ҳарбий хизмат тизимини тубдан яхшилаш борасидаги энг муҳим устувор вазифалар нималарда намоён бўлмоқда? Қолаверса, хизмат-чақирувнинг очиқ-ойдинлигини таъминлаш, чақирув комиссиялари ишини такомиллаштириш, улар томонидан қарор қабул қилинишида нохолисликка йўл қўймаслик ва уларнинг фаолияти устидан жамоат назорати қандай ташкил этилган?**

— Мустақил Ўзбекистоннинг энг муҳим вазифаларидан бири замон талабларига жавоб бера оладиган чегара ва ҳудудлар яхлитлигини, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қила оладиган Қуролли Кучларни бунёд этиш эди.

Бунинг учун Қуролли Кучларимиз ташкил топган илк кунларданоқ ҳарбий хизматчилар ҳақида, миллий ҳарбий кадрларни тайёрлаш, уларнинг барча турдаги таъминотларини яхшилаш ва муддатли ҳарбий хизматчиларга имтиёзлар бериш ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатиш устида бош қотирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрда қабул қилинган «Муддатли ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори бунинг ёрқин намунасидир. Ушбу қарор энди тетапоя бўла бошлаган армиямизни қуриш ва уни мустаҳкамлаш ишида катта ташкилий, тарбиявий ва сафарбарлик ролини ўйнади. Натижада Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ҳарбий ва махсус ўқув муассасалари курсантларининг ойлик пул таъминоти уч баробарга оширилди. Ҳарбий хизматни ўташ муддатининг бир ойи меҳнат стажига икки ой ёзиладиган бўлди. Шунингдек, уларга олий ўқув юртларига киришда имтиёзлар яратилди, оилалари ер солиғи сингари тўловлардан озод этилди.

Республикамиз шароитида бундай имтиёзларнинг аҳамияти катта. Ижтимоий ҳаётимиз ўзгарган сари, юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишга бўлган ёндашув ўзгарди. Ҳарбий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёни давом этди. Буларнинг барчаси ҳарбий қонунчилигимизга ўзгартиришлар киритиш ҳамда ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар беришни талаб этди. Бундай кенг қуламли вазифаларни ҳал қилишнинг аниқ йўналишлари мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов томонидан Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ IX сессиясида белгилаб берилди.

Юртбошимиз нутқида илгари сурилган ғоялар, депутатларнинг фикрлари эътиборга олиниб, 2003 йил 22 май куни ЎзРВМ «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида» қарор қабул қилди.

**— Мазкур қарорга асосан муддатли ҳарбий хизматчиларга яна қандай имтиёзлар берилган?**

— Биринчидан, 2003 йил 1 июлдан бошлаб оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг маошлари икки баравар, ҳарбий хизматдан бўшатилганда бериладиган нафақа миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг саккиз бараваригача ёки 20 бараваригача оширилди.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар Қуролли Кучларни малакали кадрлар билан тўлдириш учун зарур бўлган техник ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга кираётганида уларга тест синовларида тўпланиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 20 фоизи миқдорида қўшимча имтиёз берилади. Мазкур имтиёз жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликда юқори натижаларга эришган ҳарбий хизматчиларга ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномаси мавжуд бўлгандагина амалга оширилади.

Учинчидан, ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизматининг асосланган ҳисоб-китобларига биноан 2003 йилда «Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари» махсус ҳисоб рақамидан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар таъминотини яхшилаш кўзда тутилди.

**— Юртбошимизнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» деб номланган китобида 1990 йилда юртимизда ҳарбий кадрларнинг атиги 0,6 фоизини маҳаллий офицерлар ташкил этганлиги куйиниб таъкидланган эди. Шу далилнинг ўзиёқ юртимиз ўша пайтда ҳарбий масалада қийин аҳволни бошдан кечирганлигини кўрсатади.**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов ўз китобида истиқлол арафаси ва ундан кейинги ўта оғир ва мураккаб даврларда миллий армиямизни шакллантириш йўлида амалга оширилган улкан ўзгаришлар, бу борадаги курашлар тарихини қалби ва юрагидан ўтказиб ёзган. Унда Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони тилидан кўпчиликка маълум бўлмаган ҳаётий лавҳалар, далиллар ва шарҳлар баён қилинган.

Китобда истиқлол тарихи миллий армиямизнинг шаклланиш тарихи билан, мустақилликни мустаҳкамлаш эса Қуролли Кучларимизни замон талаблари асосида ислоҳ қилиш жараёни билан ўзаро узвий боғлиқ эканлиги чуқур таҳлил этилган. Китобнинг бош ғояси мана бу сўзларда тўла мужассамлашган: «Бу ҳеч кимга сир бўлмаслиги керак: Мустақиллик — аввало, ҳуқуқдир... Бу ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун Ватанимизни кўз қорачиғидек асраш, эл юртимизни ҳар қандай хавф-хатардан сақлаш, бизга ёвуз ният билан кўз олайтириб қарайдиган ғаним ва душманларимизга қақшатқич зарба беришга қодир бўлган қудратли Қуролли Кучларга эга бўлишимиз керак».

Чунки, озодлик йўлида ҳарбий кучга таянмасдан туриб мақсадга эришиб бўлмайди. Аммо шу йилларда шўро ҳукмронлигининг таянчи бўлиб турган Туркистон ҳарбий округи қўшинлари таркибида мустақиллик учун жон куйдирадиган ёки фидойи инсонларга хайрихоҳ бўладиган одамларни топиш қийин эди. Шу боисдан мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. Ана шунда собиқ шўро Мудофаа вазири Е.Шапошников Президентимизга қўнғироқ қилиб, бизни яна бир бор тузоққа илинтиришга уриниб кўрди, «умуман, сизларга ҳарбий вазирлик нимага керак, ахир СССР Мудофаа вазирлигининг қудратли Туркистон ҳарбий округи Ўзбекистонда турибди-ку!» дея иддао қилганди. Бу сўзлар тагида катта маъно бор эди.

Мана шундай зимдан қилинган таҳдид ва тазйиқларга қарамай, давлатимиз раҳбари ўз миллий армиямизни тузиш йўлида қатъий турди. У «қудратли Туркистон ҳарбий округи» фақат «қудратли шўро салтанати»га хизмат қилганини дадиллик билан исботлаб берди. Президентимиз ўз ҳаётий тажрибалари, амалий фаолияти орқали миллий армиямизни тузиш ва уни шакллантириш, замонавий ҳарбий қуроллар ва техника билан таъминлаш, кенг ислоҳотлар олиб бориш осонлик билан кечмаганлигини самимий ҳикоя қилиб беради. Ҳа, Қуролли Кучларимизни юзага келтиришда, уларни миллий кадрлар билан таъминлашда Юртбошимизнинг хизматлари жуда катта бўлди. Биз ҳозир ўз жанговар миллий армиямиз, истеъдодли миллий офицерларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Улар Мустақил Ватанимизнинг дахлсизлигини, халқимизнинг тинч, осойишта ҳаётини садоқат билан қўриқлашга ҳар доим тайёр туришибди.

**Суҳбатдош:**
**Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

**Экология ва Саломатлик**

# НАФАС ОЛИШ УЧУН РУХСАТ

## ЖАҲОН КУН ТАРТИБИДА ТУРГАН МУАММО

Турмуш фаровонлигини ошириш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун, аввало, саноатни ривожлантириш зарур. Айниқса, металлургия, кон-тоғ, химия, нефть-газ саноатини ривожлантирмасдан туриб иқтисодни юксалтириб бўлмайди. Саноатнинг шу каби муҳим тармоқлари қанчалик тез ривожланса, халқнинг турмуш фаровонлиги жадал суръатларда ошади. Аммо шу билан бирга, атроф муҳит тез ифлосланиб, сиз билан биз нафас олаётган ҳаво тобора заҳарланиб бораверади.

Бугун кун тартибида турган бу муаммо ўз ечимини кутмоқда. Бу масала Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий диққат-эътиборида. Бундан бир неча йил олдин Японияниңг Киото шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуманда жаҳон миқёсида ана шу масала кўтарилди ва Киото баённомаси номини олди. Шунга кўра, аксарият саноати ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар атмосферага ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда иссиқхоналарнинг заҳарли газларини, турли дуд-тутунларни чиқариб ташлашнинг маълум меъёрларига риоя этиш юзасидан мажбуриятлар олишган эди. Ўшанда бир қанча тараққий этган мамлакатлар Киото баённомасини имзолаганлари ҳолда уни ратификация қилишни, яъни кучга киритишни пайсалга солишганди. Уларнинг сафида АҚШ ва Россия каби атмосферага зарарли газлар чиқаришда юқори ўринда турадиган давлатлар ҳам бор эди.

Атроф-муҳитнинг, биринчи навбатда атмосферанинг ифлосланиши билан боғлиқ вазият тобора ташвишли тус олиб борарди. Бундан тегишли хулоса чиқарган БМТ 2002 йилда Йоханнесбургда Дунё саммитини чақирди ва унда қашшоқлик, қурғоқчилик, глобаллашув, қочоқлар билан боғлиқ муаммолар қаторида, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва айниқса, атмосферанинг заҳарланиши ҳам энг долзарб масала сифатида саммит муҳокамасига киритилди. Анжуманда Киото баённомасини ратификация қилишни пайсалга солаётган давлатлар шаънига жиддий гаплар айтилди. Улар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажармаётганликлари танқид қилинди. Атмосферанинг зарарли газлар билан заҳарланишидан, аввало, тараққий этган, яъни саноатлашган давлатлар аҳолиси жабрланаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Жумладан, биргина Россиянинг ўзида атмосферага чиқариб ташланган зарарли газлардан бир йилда қирқ минг нафардан зиёд одам заҳарланиб ўларкан.

Дунё саммитида Россия вазиятни ўрганиб чиқиб ва имкониятларни чамалаб кўриб, Киото баённомасини ратификация қилиши мумкинлигига урғу берди. Бироқ АҚШ мамлакатнинг миллий манфаатларидан келиб чиқиб, Киото баённомасини ратификация қилишни рад этди. Орадан икки йил ўтгач, яъни 2004 йилнинг кузида Россия ўз ваъдасининг устидан чиқиб, баённомани ратификация қилди. БМТ доирасида ва кўпгина давлатларда бу ҳолат таҳсинга сазовор қадам сифатида қабул қилинди. Энди Россия атмосферага зарарли газларни чиқаришни бир йилда олдинги уч миллиард тоннадан икки миллиард тоннага камайтириши керак. Илгари атмосферага чиқаришга рухсат берилган ҳар тонна дуд, тутун ва бошқа зарарли чиқитлар учун 5 евродан 10 еврогача маблағ тўланган бўлса, энди бу маблағ ишлаб чиқаришда чиқитларни камайтиришга сарфланади.

Маълумки, тараққий этган давлатларга атмосферага зарарли чиқитлар чиқаришнинг маълум чекланган меъёрлари — квоталари белгилаб берилган. Улар зарарли чиқитлари кўп ишлаб чиқаришни янгилаб, атмосферани заҳарлашни камайтиришга эришганлари тақдирда ўзларидаги квотанинг бир қисмини бошқаларга сотишлари ҳам мумкин. Бу ҳам даромад олишнинг бир йўли. Бундай пайтда квота сотиб олган давлат учун атмосферага зарарли чиқитлар чиқаришга кўпроқ «рухсат бериладиۥ». Квота сотган давлат эса олинган маблағни ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан янгилашдан ташқари атроф-муҳитни муҳофаза этиш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун ҳам ишлатиши мумкин. Тараққий этган давлатлар ҳозирча бу имкониятдан фойдаланишгани йўқ. Бироқ шу ҳақдаги гап-сўзлар авж олиб, мутахассислар ишга киришмоқдалар.

Биз юқорида ҳавонинг тозалигини таъминлаш билан боғлиқ муаммони тараққий этган мамлакатлар билан боғлаб гапирдик. Аслида бу муаммо озми-кўп ривожланаётган мамлакатларга ҳам дахлдор. Ўзбекистон ривожланаётган мамлакат ҳисобланади. Осмон битта, демак, ҳавонинг тоза ва танга даво бўлишидан биз ҳам манфаатдормиз. Собиқ СССР даврида унинг ҳудудидаги атмосферага зарарли чиқитлар чиқарадиган корхоналарнинг ўн фоизи Ўзбекистон ҳудудида жойлашган эди. Ҳозир вазият анча ижобий томонга ўзгарган. Масалан, биргина Тошкент вилоятини оладиган бўлсак, бугунги Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрен, Бекобод шаҳарларининг осмони олдинги бурқсиб, тутаб ўрлаётган, йўтал қўзғайдиган осмонга унчалик ўхшамайди. Шунингдек, Тошкент, Андижон, Фарғона, Навоий ва бошқа шаҳарларда ҳам бу борада ижобий ўзгаришлар бор. Шубҳасиз, бу ўзгаришлар бизда хотиржамлик уйғотмасдан, аксинча, масъулият ҳиссини ошириши зарур. Тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб, сиҳат-саломат юришни истасак, ўзимизга ўзимиз шарт-шароит яратишимиз керак. Шундагина айрим давлатларга ўхшаб нафас олиш учун бировнинг рухсатига муҳтож бўлмаймиз.

Назаримда атмосферага зарарли чиқитлар чиқаришни бироз бўлса-да жиловлашда биз учун долзарб бўлган бир муаммо бор. Бу мамлакатимизда автотранспортнинг жадал суръатларда ривожланиб бораётганлиги билан боғлиқ. Тўғриси, бу борада ҳозирги Ўзбекистон совет давридаги мустамлака республикадан мутлақо фарқ қилади. Мен мамлакатимиз дунёдаги машинасозлик саноати ривожланган давлатлар қаторидан жой олганлигини эмас, балки умуман автотранспорт тармоғи жуда юксалиб кетганлигини назарда тутяпман. Ҳозир бутун Ўзбекистон ҳудудида автомобиллар — турли русумдаги енгил машиналар, автобуслар, бошқа йўловчи ҳамда юк ташийдиган автомашиналар етакчи транспорт хизмати кўрсатиш воситалари ҳисобланади. Бугунги кунда улар сон-саноқсиз. Шубҳасиз, бундай ҳолат автотранспорт билан боғлиқ экологик муаммони ҳам келтириб чиқаради. Носоз автомобиллардан чиқаётган зарарли газлар атмосферани заҳарлаётганлиги билан мутлақо муроса қилиб бўлмайди, албатта.

**Келинг, яхшиси, биргина гўзал ва мафтункор Тошкент шаҳрини олайлик. Майли, атайлаб шаҳар айланманг. Эрталаб ишга бораётганингизнинг ўзида бурқсиб, қора қуюндек заҳарли ис гази чиқариб бораётган ўнлаб автобусларни, юзлаб енгил автомашиналарни кўрасиз. Шаҳардаги деярли аксарият автобус йўналишларида носоз, ҳимоя воситаси йўқ, ҳавони заҳарлайдиган автобуслар учрайди. Улар билан ҳеч кимнинг, ҳеч бир ташкилотнинг иши йўққа ўхшайди. Бир эътибор берингլар-а, шом пайтига бориб, бутун шаҳар осмонини заҳарли газ оқиш-сарғиш тутундек қоплаб олади. Айниқса, ёз ойларида жуда нохуш ҳолат кузатилади. Очиқ жойда ёки деразани очиб тоза ҳавода ухлашни ният қилган одам қайтага кўпроқ ис гази билан заҳарланади.**

Шу ўринда яна бир фикр. Жаҳонда трамвай экологик жиҳатдан тоза транспорт воситаси сифатида тан олинган. Европадаги тараққий этган давлатларнинг йирик шаҳарларида трамвай тармоғи тобора ривож топмоқда. Трамвайнинг арзон ва қулайлигига эса гап йўқ. Эрталаб соат 4.30 дан тунги соат 12.00 гача тўхтовсиз қатнаб турганлигининг ўзи аҳолига яратилган катта қулайлик. Агар биз шаҳримиз ҳавоси экологик жиҳатдан тоза бўлишини истасак, трамвай тармоғига эътиборни кучайтиришимиз зарур эмасмикин? Назаримда кейинги пайтда бизда акси бўлаётгандай. **Охирги уч-тўрт йилда пойтахтимизда неча километрлаб трамвай излари олиб ташланди. Эҳтимол, кимларгадир унинг бироз шовқини ёқмагандир, эҳтимол темир излару электр қуввати қимматга тушаётгандир. Бироқ ҳар қанақа харажат автомобиллардан чиқаётган зарарли газлар билан заҳарланишнинг олдида ҳеч гап эмас.** Биз экологик жиҳатдан тоза транспорт воситаларини камайтириш билан нафас олиш учун ўзимизга ўзимиз рухсат бермай қўяётганлигимизни англаб етаяпмизми?

Бугунги кунда атмосферани заҳарлашга, айниқса, табиатдаги кислороднинг мувозанатини бузишга иссиқхоналар ҳам сабаб бўлаётганлигини унутмаслигимиз керак. Биз ишлаб чиқариш корхоналаридаги иссиқхоналар билан бирга, парник хўжаликларини ҳам назарда тутяпмиз. Сон-саноқсиз иссиқхоналардан чиқаётган буғлар ҳаводаги углерод миқдорини ошириб юбормоқда. Кўплаб давлатлар қатори Ўзбекистон ҳам бу муаммога дуч келмоқда. Табиатдаги тоза ҳавони авайлаб-асраш учун бу муаммони ҳам ҳал этиш йўлларини излаш зарур. Акс ҳолда ўзимизни ўзимиз тоза ҳаводан маҳрум этиб қўямиз.

Жаҳонда атмосферага энг кўп зарарли газлар чиқариб ташлайдиган давлат Америка Қўшма Штатлари ҳисобланади. АҚШ Киото баённомасини ратификация қилмаган бўлса-да, зарарли газларни атмосферага чиқариб ташлашни камайтириш бўйича ўз миллий дастурига эга. Шунингдек, Россияда ҳам бир қанча вазирликлар ҳамда идоралар иштирокида ана шу йўналишда режалар ишлаб чиқиляпти. Бу борада Киото баённомасини ҳаётга тадбиқ этиш механизми юзасидан таклифлар ҳам киритиляпти. Мамлакатдаги йирик компаниялар ҳамда корхоналар эса ресурсларни тежаш ва табиатни муҳофаза этиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш ҳаракатини бошлаб юбордилар. Ҳатто бу жараённи бизнесга айлантириш кўзда тутилмоқда. Демак, экология фақат сарф-харажат эмас, балки моддий манфаат ҳам келтириши мумкин. Бундай тажрибани ўрганиш, ҳеч бўлмаганда кузатиб бориш ва ибрат олиш ривожланиш йўлини танлаган ҳар бир давлат, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам ғоятда аҳамиятлидир.

Халқаро тартиб-қоида шундайки, атмосферани қайси давлат кўпроқ заҳарлаётган бўлса, ўша давлат кўпроқ квота сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Биз юртимиз осмонини ўзимиз тоза сақласак, квотасининг ҳам кераги йўқ. Демак, осмонимиз мусаффо, табиатимиз мафтункор, шаҳар ва қишлоқларимиз тоза-озода, бутун юртимиз яшилликка бурканган бўлса, нафас олиш учун бировдан рухсат сўрашимизга ҳожат қолмайди. Шунда биз танлаган йўл Сиҳат-саломатлик йилига мос бўлади.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

---

**XORIJDA**

## ҲУЖУМ УЮШТИРИЛДИ

Фаластин жангариларининг Исроил ва Ғазо минтақаси чегарасида жойлашган Карни назорат пунктига уюштирган ҳужуми оқибатида 6 нафар исроиллик ҳалок бўлди.

Исроил ҳарбийларининг маълумот беришича, назорат пункти деворига юк ташувчи машина келиб урилган. Авария натижасида пайдо бўлган тешикдан уч нафар жангари пункт ҳудудига ўтиб, тартибсизликлар уюштиришга уринишган ва ўзларини портлатиб юборишган.

## СЕРГЕЙ БАГАПШ ҒОЛИБ БЎЛДИ



Абхазияда тўрт ойга чўзилиб кетган президентлик сайлови ниҳоясига етди. Шу йилнинг 12 январь куни ўтказилган қайта овоз бериш натижасида Сергей Багапш ғолиб бўлди.

Марказий сайлов комиссияси маълумотларига кўра, Багапш сайловчиларнинг 90,1 фоиз овозини олган.

Багапшнинг рақиби Халқ демократик партияси раиси Якуб Лакоба 4 фоиз овоз олган.

— Сайловларда Абхазия халқи ғалаба қозонди,— деди сайлов ғолиби дастлабки натижалар эълон қилингач.

Бу сайловда Багапш ғалаба қозонишининг эҳтимоли катта эди. Ўтган йилнинг 3 октябрь куни ўтказилган сайлов натижаларига кўра, Марказий сайлов комисияси, кейин эса Олий суд уни ғолиб дея эълон қилганди.

Айни пайтда Багапш билан биргаликда сиёсий фаолият олиб бораётган Рауль Хаджимба ўтган сайлов натижаларига рози эмаслиги ва уни қайта кўриб чиқилишини талаб қилганди. Икки номзод ўртасидаги зиддиятлар фуқаролар урушига айланиб кетишига оз қолган эди.

Бу галги сайловда Рауль Хаджимба ҳукуматда президентдан кейинги ўринни эгаллашга рози бўлди. Рауль Хаджимба ва Сергей Багапшнинг келишувини қонунийлаштириш учун мамлакат парламенти томонидан Бош вазир мавқеи ҳақидаги қонун қабул қилинди.

## АЙБИНИ БЎЙНИГА ОЛДИ



Маргарет Тэтчернинг ўғли Марк Экваториал Гвинеядаги давлат тўнтаришини амалга оширишда алоқадор бўлганини тан олди.

У қўзғолончиларга моддий ёрдам берганликда айбланаётганди.

Тэтчер шартли равишда 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Бундан ташқари, 500 минг доллардан ортиқроқ жарима тўлашига тўғри келади.

Агар 51 ёшли Тэтчер жаримани тўлай олмаса, 5 йил умрини қамоқхонада ўтказишига тўғри келади. Шартли 4 йиллик муддат ҳам ўз кучини йўқотмайди.

Марк Тэтчер қўзғолончиларни вертолёт билан таъминлаганини тан олди. Африкада фаолият юритувчи бу ишбилармон аввал барча айбловларни рад этаётганди. У ўтган йилнинг августида Жанубий Африка Республикаси ҳукумати томонидан қўлга олинди. Кейин эса 314 минг доллар эвазига эркинликка чиқарилганди.

## МУТАХАССИСЛАР ЭРОНГА КЕЛДИ

БМТнинг Атом энергияси бўйича халқаро агентлиги (МАГАТЭ) мутахассислари Эронга ташриф буюришди. Улар АҚШ ҳукумати томонидан махфий ядро қуроллари дастури билан алоқаси бор, деб гумонланаётган ҳарбий объектни текширишади.

Инспекторлар Теҳрон яқинидаги Перчин базасини тафтиш қилиш ниятида. Уларда бу ерда ядро материаллар синови ўтказилиши мумкин, деган тахмин бор. Мутахассислар бу маълумот ҳақиқатга қанчалик яқин эканлигини текшириб кўришмоқчи.

Америка экспертларининг сунъий йўлдошдан олинган суратларга асосланган ҳолда билдирган фикрича, бу базадаги баъзи бинолардан атом қуролини яратишда ишлатиладиган компонентларни текшириб кўришда фойдаланиш мумкин.

Эрон ҳукумати ўзининг ядро дастури фақат тинчлик йўлида ишлатилиши ҳамда мамлакатда ядро қуролларини яратиш бўйича ҳеч қандай ишлар олиб борилмаётганини маълум қилган.

## ДИНОЗАВРЛАР ҚАНДАЙ ЙЎҚ БЎЛГАН?



Хитой олимларининг бир гуруҳи динозаврларнинг йўқ бўлиб кетишига доир кутилмаган талқинини илгари суришди. Уларнинг фикрича, динозаврларни улардан олдин пайдо бўлган ҳайвонлар еб тугатишган.

Олимлар Хитой шимолида сут эмизувчилар оиласига кирувчи йиртқич ҳайвонларнинг қолдиқларини ўрганиш асосида шу фикрга келишди. Тахминларга қараганда, бу ҳайвонлар 130 миллион йил олдин яшаган. Уларнинг оғирлиги 14 килограммгача бўлиб, ҳозирги итларга жуда ўхшаш бўлган экан.

Йиртқичларнинг ошқозонида динозавр қолдиқлари топилган. Олимлар бу ҳайвонлар асосан янги туғилган динозаврларга ҳужум қилишган деган фикрда.

**Хуршид РАУПОВ тайёрлади**

